



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА
ОШИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
Тўғрисида

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғу мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шиоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, IT-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2021 йилнинг ўтган даврида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган “Ёшлар дафтери” ва “Ёшлар дастурлари” асосида 430

минг нафар йигит қизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг қўламини тобора кенгайтиб бораётганини кўрсатади.

Жорий йил 30 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида илгари сурилган янги ташаббус ва ғояларни амалга ошириш ҳамда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил август ойида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм миқдорида бир

марталик моддий ёрдам кўрсатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари — “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандлари 2021/2022 ўқув йилида биринчи ўқув йили учун тулов-контракнинг тўлиқ суммаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин;

▶ Давоми 2-бетда

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁГА
ЯНГИЧА ГЕОСИЁСИЙ МЕЗОН БИЛАН ЁНДАШУВ

Замонавий дунё дуч келаётган жадал глобал ўзгаришлар нуктаи назаридан қараганда, Марказий Осиё ҳудуди минтакавий ривожланишнинг барча жиҳатларига — сиёсат ва иқтисодиёт, экология ва маданий-гуманитар мезонларга таъсир кўрсатувчи жиддий геосиёсий ўзгаришлар даврини босиб ўтаётганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида қайд этганидек, “Маълумки, Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган.

Ушбу кутлуг заминда дунё цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк гуманист олимлар, мутафаккир ва шоирлар яшаб ижод қилган. Бу ерда улкан табиий заҳиралар, катта инсоний салоҳият мавжуд”.

Марказий Осиё тамаддунининг
ўзига хослиги

Марказий Осиё бўйича олиб борилган кўп сонли тадқиқотлар натижалари минтақанинг инсоният ривожланишидаги ўрни нечоғли муҳим эканидан далolat беради. ЮНЕСКО шафелигида чоп этилган олти жилдик “Марказий Осиё цивилизациясининг тарихи” китоби ана шу масалани ёритишга бағишланган.

Биринчи хусусият. Бу кўҳна заминда археологлар томонидан аниқланган кашфиётлар, бир томондан, уларнинг бетакрорлигидан, иккинчи томондан — кўшни цивилизациялар билан эрта ва яқин алоқалардан далolat беради.

Бу ерда қарийб уч минг йил аввал Марказий Осиё, Афғонистон ва Эрон халқларининг кўп қиррали маънавий-тарихий ёдгорлиги — “Авесто” яратилган. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу қадимий ёзма асар яккахудлик (монотеизм) ғоясини илгари суриб, инсоният дунёқарашига, фалсафа, давлат ва ҳуқуқ тизимининг ривожланишига, дунёда яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси ғоялари тарқалишига, адолатли ижтимоий бошқарув, эзгу иш ва эзгу амал, муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида қурилиши каби омилларга жиддий таъсир кўрсатган.

Иккинчи хусусият. Марказий Осиё минтақасида давлатчилик асослари шакллانган ва Ҳараппа цивилизацияси, Сўғдиёна, Бактрия, Хоразм, аҳамонийлар давлати, Юнон-Бактрия ва Кушон подшолиги, Турк хоқонлиги, Темурийлар ва Бобурийлар салтанатлари тарихда чуқур из қолдирган.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШ:
ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан республикаимизда давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий, ўзига хос замонавий ва қўлай тизими яратилди. Қоғозбозлик ва ортиқча талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати сезиларли қисқарди. Гап шу ҳақда борар экан, аҳолига сифатли давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш борасида Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги (ДХА) ташкил этилгани, ўтган вақт мобайнида агентлик фаолияти такомиллашиб, хизматлар кўрсатиш қамрови кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

▶ Давоми 5-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Тошкент конференцияси ўзаро боғлиқлик
ва хавфсизлик масалаларига бағишланган
мулоқот ва мунозаралар учун
қўлай имконият

Бугун Тошкентда “Марказий ва Жанубий Осиё: минтакавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция ўз ишини бошлаяпти.

“Дунё” АА мухбирлари халқаро ташкилотлар вакиллари, дипломатия миссиялари раҳбарлари билан Тошкент конференциясининг аҳамияти ва қўлайлашган натижалар ҳақида суҳбатлашди.

▶ Давоми 2-бетда

ОҒОҲЛИК ҚўНҒИРОҒИ

ДЕМОКРАТИЯ ЮКСАК
БИЛИМ ВА МАЪНАВИЙ
ТАРБИЯНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Кейинги йилларда дунё ижтимоий-сиёсий луғатида “Янги Ўзбекистон” атамаси пайдо бўлди. Бунини Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган, оқилона сиёсати самараси, халқаро миқёсда амалга ошираётган таъсир-ҳаракатлари инъикоси, десак, асло муболага бўлмайди.

Чунотчи, ўтган қисқа вақт ичида барча соҳа ва тармоқларда кенг қўламли изчил ишловлар амалга оширилди. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўла таъминлашга, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш мақсадида валюта бозори либераллаштирилиб, мамлакатимиз ҳамда хорижлик ишбилармонлар учун қўлай инвестиция муҳити яратилди, банк-кредит соҳаси тубдан ислох қилинди. Айниқса, ишсизлик, камбағаллик сингари ижтимоий

муаммоларга барҳам беришга қаратилган устувор дастурлар ҳаётга татбиқ этилди.

Ташки сиёсий стратегияда муҳим қадамлар ташланди. Авваламбор, миллий манфаатларимизга тўла мос келадиган, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган прагматик, очик ва конструктив ташки сиёсат йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги нуфузини янада юксалтириш йўлидаги яна бир муҳим қадам, бу — мажбурий ва болалар меҳнатидан тўла воз кечилгани бўлди. Коррупция ва хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

▶ Давоми 4-бетда

ТОКИОДАН ТОҒЛАР ҚАДАР
МАҒРУР ҚАЙТИШ НАСИБ ЭТСИН!

▶ 6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛАБ-қУВВАТЛАШ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтери”га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтери”га киритилган ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади;

ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш мақсадида ипотека дастури доирасида бошлангич бадал ва фоиз тўловлари бўйича қўшимча 2 мингта ёш оиллага уй-жой сотиб олиши учун субсидия ажратилади.

3. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республикадаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси миқдоридан ва ўқш мuddати тугагандан кейин еттинчи ойдан бошлаб 7 йил мuddатда қайтариш шартлари асосида таълим кредитлари бериллади.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Марказий банк (М.Б. Нурмуратов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) билан биргаликда икки ҳафта мuddатда таълим кредитларини бериш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ой мuddатда:

олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқшш учун тижорат банкларида олинган таълим кредитларини қоплашга йўналтирилган жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ имтиёзлари қўлланишини;

ёш оила томонидан олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни эр-хотин ёки улардан бирининг ёши белгиланган ёшдан ошгунига қадар ҳар бир солиқ даври давомида тегишли миқдорда қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғидан озод қилинишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Давлат органлари, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўйхатида киритилган хорижий олий таълим муассасаларини (бакалаврият, магистратура) тамомлаган ёки уларда илмий даража (PhD) ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган ёш мутахассисларнинг лавозим маошига Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан 1-иловага мувофиқ қўшимча устамалар тўлаб бориш тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки: нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўйхатида киритилган хорижий олий таълим муассасалари рўйхати Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланади ва унинг расмий

веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ойлик устамалар татбиқ этиладиган таълим йўналишлари, тор мутахассисликлар ҳамда давлат органлари, ташкилот ва муассасалари рўйхати шакллантирилади;

ойлик устамалар 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, иш берувчи ва ёш мутахассис билан 3 йилгача бўлган мuddатга тузилган шартнома асосида ёш мутахассиснинг лавозим маошига қўшимча равишда ҳар ой тўлаб борилади.

6. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида Ёшлар бизнес мактаби, 2022 йилдан бошлаб барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилсин.

Қўйдагилар Ёшлар бизнес мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимиз ва чет элнинг етакчи тадбиркор ва бизнес юритувчиларини жалб этган ҳолда, ёшларга тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш ва бизнес юритишда хавф-хатарлардан ҳимоялашни усулларини ўргатиш;

тадбиркорликка қизиққан ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларда замонавий бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш, мотивацион бизнес-семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ёшлар бизнес мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ёшларнинг “Бизнесга биринчи қадам” стартап голялари танловларини ташкил этиш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда камида уч нафардан голибга грантлар бериш амалиёти жорий этилсин.

Белгилансинки, энг яхши лойиҳаларнинг ҳар бири учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача грант маблағлари бериллади ва улар 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдорда қўшимча ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж.А.Кучкаров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов), Молия вазирлиги (Ж.И. Аброев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев):

бир ой мuddатда стартап голялари танловларини очик ва ошқора ташкил этиш, лойиҳаларни баҳолаш мезонлари ва уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш тартибини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда стартап голяларнинг амалга оширилишига қўмаклашсин.

8. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖга ёшларнинг янги голялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш вазифаси юклатилсин.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖга ушбу бандда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан 7 йил мuddатга 3 йил имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст қилиб берилди.

9. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Н.Ташкенбаев) билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан босқичма-босқич умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари дарслари Кембриж дастури асосида ўтказилишини ҳамда қўйтувчиларнинг ушбу дастур асосида қайта тайёрланишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков) 2021 йил якунига қадар барча умумий ўрта таълим мактабларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишларини тўлиқ якунласин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ёшлар томонидан кўтарилган таклиф ва ташаббуслар, муаммо ҳамда масалалар ечими юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни арафасида Ҳукуматнинг дастури, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларининг алоҳида ҳудудий дастурлари қабул қилинади;

мазкур дастурлар ёшларнинг билим ва касб-хунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ва турмуш шароитини яратиш, бўш вақтинги мазмуни ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 июнга қадар мазкур бандда кўрсатилган Ҳукумат дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, шунингдек, ҳудудий дастурлар қабул қилинишини ташкил қилсин.

11. Олий Мажлис Сенатига: а) ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида: мазкур қарорнинг 10-бандида белгиланган Ҳукумат ва ҳудудий дастурларни ўз вақтида ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан таъсирчан пар-

ламент назоратини ўрнатиш, бу борада халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш;

фаол ва ташаббускор ёшлар орасидан янги авлод захира кадрларини шакллантириш; халқ депутатлари Кенгашларида “Ёшлар парламенти вакиллари мактаби”ни ташкил қилиш;

б) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган раҳбарларнинг Олий Мажлис палаталари ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб бориш тартибини жорий этиш;

“Биз парламентда ёшларни қўлаб-қувватлаймиз” ташаббусни амалга ошириш; халқ депутатлари Кенгашлари тавсияси асосида ёш, фидойи, азму шижоатли ёшларни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига бириктириш тавсия этилсин.

12. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О.А. Хасанов) Олий Мажлис Сенати томонидан шакллантирилган янги авлод захира кадрларини Миллий кадрлар захирасига киритсин ҳамда уларнинг раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида тавсия этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳудудларда ёшларни мунтазам спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Парасиё уйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охириги 5 йилда голиб ва совриндор (1-3 ўрин) бўлган спортчи-тренерларга, шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритувчи спортчи-тренерларга:

спорт тўғрақларини ташкил этиш учун туман ва шаҳарларда бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектта нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ижарага берилди;

спорт тўғрақларини ташкил этиш учун спорт инвентарлари, буюмлари ва жиҳозларини харид қилиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилади;

камида 100 нафар ёшларни мунтазам спорт билан шуғулланишини ташкил этган тақдирда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисоби-

дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳар ойлик тўлов жорий этилади.

14. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар йили ёшларга мўлжалланган бадий асарлар муаллифларини рағбатлантириш мақсадида “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловини ташкил этсин.

Белгилансинки, танловда голиб деб топилган муаллифларга биринчи ўрин учун — 100 миллион сўм, иккинчи ўрин учун — 75 миллион сўм, учинчи ўрин учун — 50 миллион сўм мукофот маблағлари ажратилади.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) мукофотларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни 2021 йилда Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетни параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

16. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2021 йилнинг 31 декабрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Тошкент конференцияси ўзаро боғлиқлик ва хавфсизлик масалаларига бағишланган мулоқот ва мунозаралар учун қулай имконият

Бошланиши 1-бетда

Тери Ҳакала,
Европа Иттифоқининг
Марказий Осиё бўйича
махсус вакили:



Цзян Янь,
Хитойнинг Ўзбекистон-
даги Фавқулодда ва мухтор
элчиси:



— Европа Иттифоқи Ўзбекистон Президентининг Тошкентда “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида юқори даражадаги халқаро конференциясини ташкил этиш ташаббусини юксак қадрлайди.

Уйлайманки, ҳозир бу анжуманни ўтказиш учун жуда қулай вақт. Чунки хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлик, Афғонистондаги ва умуман, минтақадаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда тўппаниб қолган масалаларни ҳал этиш барчамиз учун жуда муҳимлиги аён. Минтақавий мулоқот ҳар доим муҳим аҳа-

— Ишончанки, халқаро конференция манфаатдор томонлар учун ҳамкорликнинг истиқболли устувор йўналишларига оид масалаларни муҳокама қилиш учун муҳим майдонга айланади. Ушбу тадбир пандемия даврида, айниқса, алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Хитой конференция кун тартибига катта аҳамият бермоқда. Давлат Кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван И мамлакатимиз делегациясига шахсан ўзи раҳбарлик қилади ва анжуманда иштирок этади. Бундан ташқари, Ван И Ўзбекистонга ташрифи доирасида Президент Шавкат

миятга эга бўлиб келган. Биз ҳамма минтақавий ҳамкорлик, минтақавий муносабатлар ва икки томонлама алоқаларни ижобий баҳолаймиз.

ЕИ Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори. Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жо-зеп Боррель бошчилигидаги делегациянинг ташрифи буни яна бир бор тасдиқлайди.

Умид қиламизки, бўлажак конференция ва учрашувлар минтақадаги ўзаро боғлиқлик ва хавфсизлик масалаларига бағишланган мулоқот ва мунозаралар учун қулай имконият тақдим этади.

Мирзиёев билан учрашда ва икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашади.

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича ташаббус Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан ҳамоҳанг.

Ишончим комилки, ушбу тадбир ва унда Хитой делегациясининг иштироки давлатларимизнинг кўп қиррали муносабатларни изчил давом эттиришга бўлган интилишини яна бир бор тасдиқлайди.

Олег Мальгинов,
Россиянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция минтақадаги давлатларнинг бирлашувига бўлган эҳтиёж ортиб бораётганидан далолат беради.

Осиёнинг иккита йирик минтақасининг савдо, инвестиция, энергетика, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги аниқ. Ушбу қадмлар Россия Президенти Владимир Путиннинг Атлантика океанидан Тинч океанигача бўлган ҳудудда Катта Евроосиё шериклигини шакллантириш бўйича ташаббуси билан мос келади. Бу товарлар, ишчи кучи ва хизматлар харақати учун эркин бўлган макон яратишга хизмат қилади.

Дархон Сатбалди,
Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу юқори даражадаги анжуман Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг янада мустаҳкамланишига салмоқли туртки беришига ишончим комил. Битмас-туганмас иқтисодий ва табиий ресурсларга, интеллектуал капиталга эга бўлган минтақамиз глобал жараёнлар учун самарали платформага айланмоқда. Бу ерда глобал иқтисодий фаолият маркази, транспорт йўллари, усоби бораётган бозорлар ва рақамли технологиялар ўзгариб бормоқда.



йиллик урушни тугатиш, жумладан, кенгайтирилган “учлик” (Россия—Хитой—АҚШ, Покистон иштирокида), Москва формати ва “ШХТ—Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида синовдан ўтган механизмлар воситасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун афғонлараро мулоқотни ташкил этишга ёрдам беришга тайёр.



Жанубий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор. Биз буни бўлажак конференциянинг асосий мақсадларидан бири, деб биламиз.

Табиийки, режалаштирилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистонда барқарор тинччилик эришиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бўлажак анжуманда ушбу долзарб масала катта эътибор қаратилади. Афғонистондаги барқарор вазиятни тинч йўл билан тикланиши ва мамлакатнинг минтақалараро алоқаларга фаол қўшилиши Евроосиё китъасида савдо-иқтисодий ва сармоявий жараёнларни ривожлантириш учун янги истиқболларни очиб беради.

Россия, ўз навбатида, узоқ йиллик урушни тугатиш, жумладан, кенгайтирилган “учлик” (Россия—Хитой—АҚШ, Покистон иштирокида), Москва формати ва “ШХТ—Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида синовдан ўтган механизмлар воситасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун афғонлараро мулоқотни ташкил этишга ёрдам беришга тайёр.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖ ОАВ НИГОҲИДА

“THE JAPAN NEWS”:

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини либераллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ислохотлар ташаббускори

Японияда чоп этиладиган “The Japan News” газетасида “Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ислохотлари” сарлавҳали мақола чоп этилди.

The Japan News
by The Yomiuri Shimbun

Унда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка ҳамда ҳуқуқ-тартибот таърибасига татбиқ этишнинг тизимли ва босқичма-босқич модели шаклланигани айтилади.

“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини либераллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ислохотлар ташаббускори бўлди”, деб ёзади газета.

Мақолада, шунингдек, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига қатъий риоя этилиши, одил судловда давлат ва жамоатчилик институтлари ўрнини мустаҳкамлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгилангани, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, хусусан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилгани алоҳида эътироф этилади.

Япония наشري Ўзбекистонда мажбурий меҳнатни бартаф этиш, шунингдек, болалар меҳнатига чек қўйиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлаб, бу борада ҳукумат халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва фуқаролик ҳамжамияти билан яқин ҳамкорлик қилгани қаби воқеликларни атрофлича изоҳлаб берган.

“Дунё” АА

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁГА ЯНГИЧА ГЕОСИЁСИЙ МЕЗОН БИЛАН ЁНДАШУВ



Акмал САИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи уринбосари

Бошланиши 1-бетда

Учинчи хусусият. Ривожланган инфратузилма минтақа халқларига асрлар давомида Қадимги Рим, Қадимги Хитой (Буюк ипак йўли) билан муваффақиятли савдо-сотик олиб бориш имконини берди. Ҳиндистон билан савдо ишларини юритишда энг оммавий йўналишлардан бири (Буюк ҳинд йўли) Қадимги Бақтрия орқали ўтган.

Жадал савдо алоқалари, миграция оқими, илмий ғоялар ва ўзаро маданиятлар алмашинуви Марказий Осиё билан қўшни Жанубий Осиё ўртасида яқин ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни шакллантирди.

Тўртинчи хусусият. Ушбу икки минтақанинг ўзаро ҳамкорлиги тарихи умумжаҳон ривожланиш жараёнига жиддий таъсир кўрсатди. Бу улкан ҳудудни ҳақли равишда жаҳон цивилизациясининг энг қадимги бешми, деб аташ мумкин.

Масалан, Марказий Осиёнинг Жануби-ғарбий ҳудудидаги энг кўп ўргатилган маданий ёдгорликлар орасида Олтинтепа цивилизацияси мавжуд. Археологларнинг топилмалари Олтинтепа цивилизациясининг Месопотамия ва Ҳинд водийси маданиятлари, шунингдек, Яқин Шарқдаги Элам давлати билан яқин алоқаларидан далолат беради.

Бешинчи хусусият. Марказий ва Жанубий Осиё халқлари умумий маънавий-ахлоқий қадриятларга эга бўлиб, бу уларнинг буюк шоиру алломалари — Юсуф Хос Ҳожиб, Жалопиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мухаммад Ҳайдар, Махтумқули, Мирзо Фолиб, Рабиндранат Тагор, Абай, Садриддин Айний ва бошқаларнинг ижодида ўз ифодасини топган.

Янги тарихий давр, яъни жаҳон салтанатларининг “катта ўйини” даврига келиб эса, асрлар давомида қарор топган узвий алоқалар, афсуски, узилиб қолди.

Ўзбекистон Президентининг минтақавий ўзаро муносабатларни тиклаш бўйича ташаббуслари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев минтақамизнинг жадал ривожланиш истиқболлари ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини стратегик жиҳатдан теран кўра билгани тўғрйли Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги тарихий алоқаларни тиклаш ташаббусини илгари сурди.

Ушбу геосиёсий ёндашув ташқи алоқаларнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш орқали минтақамизнинг улкан савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-транзит, илмий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун вужудга келаётган янги имкониятларни тушунишга асосланган.

Ҳозирги пайтда ҳар икки минтақа ўртасида ўзаро объектив омиллар мавжуд. Бугунги кунда Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари изчиллик билан амалга оширилаётган миллий стратегиялар ва тузилмавий ислохотлар тўғрйли иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш йўлидан изчил ҳаракатланмоқда. Шу билан бирга, энг аввало, савдо, sanoat, инвестициялар, энергетика, транспорт коммуникациялари ва инфратузилма, сувдан фойдаланиш, таълим, хавфсизлик, экология, ижтимоий муҳит сифати ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш соҳаларида минтақавий ривожланишнинг долзарб масалаларини самарали ҳал қилишга интилмоқда.

АҚШ лик эксперт Ф.Старрнинг фикрича, “Президент Шавкат Мирзиёевнинг трансминтақавий ўзаро боғлиқлик ташаббуси халқаро аҳамиятга эга. Шу маънода, ушбу ташаббуснинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг глобал кун тартибини шакллантирувчи санокли давлатлар сафидан ўрин эгаллашига олиб келади”.

Бу, ўз навбатида, Шавкат Мирзиёевнинг Президентлиги даврида Ўзбекистон нафақат ўз атрофида Марказий Осиё давлатларини бирлаштира оладиган минтақавий етакчи мақомини мустаҳкамлашга, балки қўшни мамлакатлар учун ҳам уларнинг манфаатларини илгари суровчи ишончли етакчи бўлишга қодир давлатга айланишини яққол намоён этади.

Марказий Осиё — хавфсизлик, изчиллик ва барқарор ривожланиш минтақаси

Хорижлик халқаро экспертларнинг эътирофича, ҳозирги пайтда бунинг учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратилган. Сўнгги йилларда Марказий Осиёда оламшумул ўзгаришлар амалга оширилди ва буларнинг барчаси сиёсий ишончнинг мустаҳкамланиши, яқин қўшничилик алоқаларининг изчиллик билан ривожланиши, кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик тимсолида ўз ифодасини топмоқда. Аввалги тарқоқлик ўрнини эндиликда минтақа мамлакатларининг ўзаро аҳиллиги, қалин дўстона муносабатлари ва янада фаол ҳамда манфаатли ҳамкорлиги эгалламоқда.

Ушбу ижобий ўзгаришларнинг замирида Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан бошланган ташқи сиёсатнинг “қайта йўлга қўйилиши” турибди. Бу муҳим жараён аввалбошданок қўшни мамлакатлар билан мураккаб масалалар ечимини излашга йўналтирилди. Бундай тўғри ёндашув минтақанинг ялпи сиёсий-иқтисодий ва маданий-гуманитар манзарасига ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. Ушбу сиёсат асосини “Марказий Осиёни хавфсизлик, изчиллик ва барқарор ривожланиш минтақасига айлантириш устуворлиги” ташкил этади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувини ташкил этиш ташаббусининг амалга оширилиши минтақамизнинг си-

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОГЛИҚЛИКНИНГ АСОСИЙ БЎГНИ – УМУМий МИНТАҚАМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ҲИСОБЛАНГАН АФГОНИСТОНДИР. БУГУНГИ КУНДА АФГОНИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИХАЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИ ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ БИЛАН БОГЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ ОЧИЛМОҚДА.

ёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 2019 йил 29 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё саммити иштирокчиларининг қўшма баёнотида таъкидланганидек, “Марказий Осиёда шаклланиш минтақавий яқинлашув тенденцияси — бу тарихан қарор топган воқелиқдир”.

Минтақавий ҳамкорликка қўшимча туртки бериш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон Президенти томонидан Тошкент шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу янги илмий-тадқиқот институтининг мақсади минтақа мамлакатлари ўзаро ҳамкорлигининг сиёсий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа жиҳатларини таҳлил этиш, Марказий Осиёнинг тарихий-маданий меросини тадқиқ қилиш, миллий маданий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан иборат.

Ҳозирги пайтда минтақамизда, короновирус пандемиясининг оқибатларига қарамай, ҳамкорликнинг чуқурлашуви бўйича барқарор тенденция кузатилмақда. Эътиборли жиҳати шундаки, Жаҳон банки минтақада 2021 йилда 3,7 фоиз, 2022 йилда 4,3 фоизгача иқтисодий ўсиш бўлишини тахмин қилмоқда.

70 миллиондан кўп аҳолига эга Марказий Осиё кенг қўламли иқтисодий, энергетик, транзит-транспорт, аграр, шунингдек, интеллектуал ресурсларга бойдир.

“Boston Consulting Group” халқаро консалтинг компанияси маълумотларига кўра, минтақа иқтисодиёти реал секторининг инвестициявий салоҳияти 40-70 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Умуман, Марказий Осиёнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича салоҳияти 170 миллиард АҚШ долларига тенг.

Дунёда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг глобал қўламда камайиб бориши асносида Марказий Осиё мўътадил ўсиш суръатини намойиш этмоқда ва халқаро сармоа учун янги “фронтир”га, яъни тарихий аҳамият касб этадиган маконга айланиши ҳеч гап эмас.

Айни пайтда денгизга олиб чиқадиган йўли бўлмаган ва энг яқин бандаргоҳлардан уч минг километр олисда жойлашган Марказий Осиё мамлакатларининг геосиёсий барқарорлиги ва

Давр нафаси

мўътадил иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан ялпи мақсадларга эришиш ва стратегик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида яқиндан минтақавий ҳамкорлик қилишга боғлиқ.

Шундай қилиб, Марказий Осиё минтақалараро ҳамкорлик босқичининг тамомила янги босқичига кўтарилиш учун сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама мувофиқлаштирилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириши жуда ҳам муҳим. Шу нуқтаи назардан, Жанубий Осиё минтақаси Марказий Осиё учун ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг ўта муҳим стратегик йўналишини тақдим этади.

Жанубий Осиё: геоиқтисодий салоҳият

Жанубий Осиёнинг жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимидаги роли ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Умумий аҳоли сонй қарийб икки миллиард кишига тенг бўлган, ЯИМ йилига 6,6-7,2 фоиз ўсаётган, номинал ЯИМ 3,461 триллион долларни ташкил этувчи ушбу минтақа бугунги кунда глобал иқтисодий марказлардан бири ҳисобланади.

Ҳар икки минтақа ўртасида товар алмашинуви ҳажми ортиб бормоқда. Хусусан, 2020 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё давлатлари билан ташқи савдосининг умумий ҳажми 1,38 миллиард долларни (ёки 3,8 фоиз) ташкил этган. Қозоғистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдосининг умумий ҳажми 2,3 миллиард долларга (2,3 фоиз) тенг. Умуман олганда, 2020 йил якунларига кўра, Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси қарийб 4,4 миллиард долларни ташкил этди. Демак, келгусида бу тенденция тобора ва тез суръатларда кучайиб бориши тайин.

Марказий Осиё мамлакатларининг энергетика салоҳиятига Жанубий Осиёнинг жадал ривожланаётган иқтисодиётда талаб изчил кучаймоқда. Бу Марказий Осиёдан Афғонистон орқали жанубий йўналишда электр энергияси узатиш тармоғи қурилиши бўйича лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун шарт-шароит яратади. Марказий ва Жанубий Осиё энергетика нуқтаи назаридан бир-бирини

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАШАББУСНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МИНТАҚАМИЗНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МУҲИМ ВОҚЕА БЎЛДИ. 2019 ЙИЛ 29 НОЯБРДА ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ САММИТИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, “МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ШАКЛЛАНГАН МИНТАҚАВИЙ ЯҚИНЛАШУВ ТЕНДЕНЦИЯСИ – БУ ТАРИХАН ҚАРОР ТОПГАН ВОҚЕЛИҚДИР”.

ни бандаргоҳлари ҳамда Жанубий ва Марказий Осиё темир йўллари орқали Евроосиё ва Шарқий Европа бозорларига янада қулай қиқш имкониятини қўлга киритади.

Афғонистон — минтақани ўзаро боғловчи марказ

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий бўғни — умумий минтақамизнинг ажралмас қисми ҳисобланган Афғонистондир. Бугунги кунда Афғонистоннинг халқаро инфратузилма лойиҳаларига интеграциялашуви ва Марказий Осиё давлатларини Жанубий Осиё минтақаси билан боғлашга мўлжалланган транспорт йўлакларини ривожлантиришининг янги стратегик имкониятлари очилмоқда.

Шу сабабли БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи доирасида давлатимиз раҳбари томонидан минтақамизнинг глобал иқтисодий ва транспорт йўлакларига чуқур интеграциялашувини таъминлаш учун БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш ташаббуси илгари сурилди.

Германиялик эксперт Г.Кнабеннинг таъкидлашча, Афғонистон азалдан транзит мамлакат — тарихан трансминтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий бўғини, таъбир жоиз бўлса, ҳамкорлик кўприги ҳисобланади. Бинобарин, Афғонистоннинг кейинчалик йўқолиб қолган ана шу ўта муҳим ролини тиклаш орқали икки минтақа ўртасидаги барқарорлиқни “жиқлаштирувчи” механизмга эга бўлишимизга шубҳа йўқ.

Россиялик эксперт Т.Бордачёв эса Ўзбекистоннинг трансминтақавий лойиҳаларни амалга оширишни биринчи ўринга қўйиши мутлақо тўғри, чунки ушбу лойиҳалар Афғонистонда тинчлик учун ўзаро мақбул формулани қидириб топишнинг асосий драйверларига айланиши мумкин, деган фикрда.

Экспертларнинг таъкидлашча, Афғонистоннинг иқтисодий реконструкцияси учун янада қулай шароит яратиш, унинг минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга янада самарали интеграциялашуви ва ушбу мамлакатда узок мuddатли тинчлик ўрнатиш ҳамда барқарор ривожланишига қўшни давлатларнинг қизиқишини мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш дастурининг улкан самараси бўлиши тайин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ташаббуси билан “Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлининг қурилиши Афғонистон ташқи савдосининг 50 фоиз ўсшини таъминлаш ва транзитдан Кобулга йилига 400-500 миллион доллар даромад келиши мумкин.

Ўз навбатида, Жанубий Осиё мамлакатлари нуқтаи назаридан ушбу темир йўл тармоғининг ишга туширилиши Марказий Осиё, МДҲ ва Европага товарлар етказиб бериш мuddатини сезиларли даражада қисқартиради. Марказий Осиё мамлакатлари нуқтаи назаридан эса трансффон йўлаги Жанубий Осиёнинг истиқболли бозорларига мутлақо янги ва энг қисқа йўлни очиб беради.

Умуман олганда, ушбу магистралнинг ишга туширилиши Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг инклюзив иқтисодий ривожланишга эришиши учун қудратли платформани яратади. Лойиҳа Афғонистон ички транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш, Марказий ва Жанубий Осиёнинг янада кенг инфратузилмавий ўзаро боғлиқликнинг ажралмас қисмига айланишига хизмат қилади.

Россия, Хитой ва АҚШ мазкур лойиҳани қўлаб-қувватлашни маълум қилди. Жаҳон банки, ОТБ, ЕТТБ, ИТБ, ОИИБ, Халқаро тараққиёт молия корпорацияси вакиллари Пешовар йўналишида темир йўл қурилишига қизиқиш билдирди.

Марказий Осиё давлатлари ва Эрон орқали Ҳиндистонга, Яқин Шарқ мамлакатларига ҳамда қайтиш йўналишида — Евроосиё ва Хитой томон транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда товарлар транзити Афғонистонга ҳам сезиларли самара келтириши мумкин.

Бу йўналишда Шимол — Жануб ва Ғарб — Шарқ йўналишлари бўйлаб транспорт йўлакларини боғлайдиган Марказий Осиё транспорт йўлаклари ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўл лойиҳасининг “Бир макон, бир йўл” кенг транспорт йўлакларни тармоғига қиритилиши ва Ҳинд океани портларига қиқши Афғонистоннинг халқаро ва минтақавий иқтисодий жараёнларга фаол боғланишини таъминлайди.

Трансминтақавий магистраллар билан уланадиган “Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” трассаси каби йирик иқтисодий лойиҳалар Афғонистон инқирозини тинч йўл билан ҳал этиш ва бу мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти йўлидаги бирлаштирувчи саъй-ҳаракатларнинг бошланишидир.

Икки минтақанинг ўзаро транспорт-иқтисодий боғлиқлигини мустаҳкамлаш Осиё қитъаси бўйлаб савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатиши, Марказий Осиё минтақаси йирик транспорт ва кейинчалик иқтисодий марказга айланиши муқаррар.

Халқаро анжумандан кутилаётган натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилмақда.

Конференция якунларига кўра, биринчи навбатда, икки минтақанинг транспорт ва транзит салоҳиятини амалиётга жорий этиш, истиқболли бозорларга қиқш, экспортни кенгайтириш, инвестициялар, инновациялар ва технологияларни жалб этиш, гуманитар ва сайёҳлик алмашинувларини фаоллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилиши кутилмоқда.

Иккинчидан, ушбу минтақаларда инновацион муҳит яратиш, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, албатта, замонавий транспорт-коммуникация инфратузилмаси, Марказий Осиёни Жанубий Осиё ва бошқа минтақалар билан боғлайдиган телекоммуникация, ишлаб чиқариш ва технологик тармоқларни ривожлантириш учун кучли туртки бўлади.

Учинчидан, энг муҳими — минтақалараро ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ташаббуси дунёнинг кенг, стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудига инновацион иқтисодий ўсиш, барқарор тараққиёт ва тинчлиқни таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг олға ривожланиши яқин ўн йилликда кўп жиҳатдан дунё ривожланиши динамикаси ва характерини белгилаб беради.

Тўртинчидан, халқаро конференция натижалари нафақат Президент Шавкат Мирзиёев улкан интеграция лойиҳаси ғоясининг муаллифи эканини шоён этади, айна чоғда Ўзбекистонга минтақавий ўзаро боғлиқлик сари улкан трансминтақавий йўлни очишга ҳаракат қилаётган ўзига хос “локомотив”, яъни етакчи мақомини ҳам тақдим этади.

Бешинчидан, хорижлик экспертлар давлатимиз раҳбари ташаббусига Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсат стратегиясининг мантиқий давоми сифатида баҳо берадилар. Анжуман доирасида Тошкент ташқи ҳамкорларни субминтақавий миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликка чақиради. Бу дадил одимлар бугунги кунда Ўзбекистоннинг бутун дунё қўллаб-қувватлаётган Афғонистон борасидаги сиёсатини, айниқса, хар жиҳатдан тўлдирди.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев сиёсий башорат, яъни узокни кўра билиш ва тўғри чамалашдек ноёб қобилиятга эга.

ОГОҲЛИК ҚЎНҒИРОҒИ

ДЕМОКРАТИЯ ЮКСАК БИЛИМ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ ТАЛАБ ЭТАДИ



Рустам ХОТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз ташаббуси билан давлат ҳокимияти тизимида Халқ қабулхоналари, Президентнинг виртуал қабулхонаси жорий этилди. Халқ фикри мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг ҳал қилувчи омилига айланиб, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Ҳар бир фуқароннинг мустақил фикрлаши, сўз эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши жамиятимизда демократик қадриятларнинг амалда намоён бўлишида муҳим пойдевор бўлмоқда.

Аммо шуни ҳам очик айтиш керакки, янги Ўзбекистонда демократик ислохотлардан, яратилаётган ижтимоий-сиёсий имкониятлардан ўзининг тор манфаатлари йўлида фойдаланаётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Айрим шахслар оғизда ўзларини “демократ”, “инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси” қилиб кўрсатиб, амалда унга зид хатти-ҳаракатларни содир этмоқда.

Масалан, ижтимоий тармоқларда раҳбарларни обрўсизлантириш, ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларидан четга чиқиш ҳолатлари кузатишмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1 моддасида “Ўзбекистон — суверен демократик республика”, деган қоида мустаҳкамлаб

қўйилган. Шу сабабли, бугунги кунда “демократия” сўзининг мазмунини одамларга, айниқса, ёшларга кенг тушунтириш, жиноятчиликни юзага келтирувчи шарт-шароитларга қарши курашиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

“Демократия” сўзининг луғавий маъноси — “халқ ҳокимияти”дир. Унинг мазмунини халқ томонидан шакллантириладиган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган сиёсий тизим ташкил этади. Демократик тизимда халқ қонунлар орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Бироқ давлат бошқарувини ваколатли, яъни халқ сайлаб қўйган субъектлар — Президент, Парламент ва маҳаллий Кенгашлар амалга оширади.

Демократия мураккаб, серқирра жараён бўлиб, у бир томондан, эркин фикрлаш ва танлаш ҳуқуқини беради, бошқа томондан эса, қонунларга сўзсиз итоат қилиш масъулиятини ҳам юклайди.

Француз мутафаккири, демократия назариётчиси, “Қонунлар руҳи ҳақида” асари муаллифи Ш.Монтескьё жамиятнинг қонунлар бошқариши, шахслар қонунларга итоаткор бўлиши зарурлигини таъкидлаган. Чунки демократик бошқарув шароитида одамлар қонунларга итоат қилмаса, ҳар қадамда уни четлаб ўтишга ҳаракат қилса, демократия охлократия (оломон ҳокимияти)га айланиб кетади. Алалоқибат жамият инқирозга юз тутиб, давлатчилик таназзулга юз тутди. Бунга тарихда мисоллар кўп.

Буюк Рим империясида бошбошдоқлик бошланиб, сиёсий билим ва тажрибаси йўқ, популистлар императорликка даъво қилмаганида, саптанат (*дәвлат*) варварлар (*билмасиз, маданиятсиз, касб-корсиз оломон*) томонидан босиб олинмаган бўлар эди. Демак, бошбошдоқлик демократияни вайронкор кучга айлантиради. АҚШ Мустақиллик декларациясининг муаллифи Бенжамин Франклин: “**Эркинлик олови нафақат яратувчи, балки вайронкор куч ҳамдир**”, дея бежиз айтмаган. Шу ўринда, Демокритнинг “**Демократияни билимсизлик ва тарбиясизлик емиради**”, деган фикрини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Демократия сиёсий билим ва тажрибани талаб этади. Ҳар бир инсон ўзини ўзи бошқариш, назорат қилиш, баҳолаш учун етарли сиёсий билим ва тажрибага эга бўлмаса, демократик тизим камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмайди, аксинча, обрўсизланиб боради. Чунки демократия яқка шахсга бўйсунадиган тизим эмас, балки кўпчиликнинг хоши-иродаси билан амалга ошадиган давлат бошқарувидир. Демократик бошқарувда ҳар бир инсон нуқсон ва камчиликларни ташқаридан эмас, аввало, ўзидан излаши лозим.

Немис инсон ҳуқуқлари назариётчиси И.Кантнинг фикрича, **душман қидириш, камчиликларни рўқач қилиб, халқ орасида меҳнатсиз обрў топишга интилиш иккиюзламачилиқдир. Иккиюзламачилик — демократияга зид ҳодиса.**

Жамият

Бугун янги Ўзбекистонда бунёдкорлик ва яратувчанлик, давлат ва жамиятга наф келтириш, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантираётган инсонлар фаолиятдан камчилик қидираётган, кимнидир айбдор қилиб, обрўсизлантираётган, ўзини демократиянинг “байроқдор”и сифатида кўрсатаётган шахсларга шунчаки кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб, мансабдор шахсларнинг обрўсини туширишга қаратилган ҳаракатларга нисбатан ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланиши шарт.

Бугун сиёсий билим ва тажрибага эга бўлмай туриб, ижтимоий тармоқлар орқали ўзини раҳбарликка даъвогар сифатида танитаётганлар ҳам учрамоқда. Ўзбекистон қонунчилигида Президентликка номзод сайлов кампанияси бошлангунига қадар Адлия вазирлиги томонидан камида 4 ой олдин рўйхатга олиниб, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилгани белгилаб қўйилгани, Ўзбекистон халқи номидан гапириш ҳуқуқига фақат Президент ва Олий Мажлис эга эканини инобатга олсак, мазкур шахслар қонунга зид ҳаракатлар содир этаётганини англаши зарур.

Сиёсат бобида етарли билим ва тажрибага эга бўлмай туриб, ўзини сиёсатчи қилиб кўрсатувчиларни популист, демагог, деб аташади. Чунки сиёсат, бу — юксак илм ва сиёсий тажриба уйғунлашуви. Сиёсий фаолиятда билим ва тажрибанинг етишмаслиги халққа зиён, давлатчиликка путур етказиши.

Дунё давлатчилиги тарихидан маълумки, сиёсий билим ва тажрибага эга бўлмаган шахсларнинг давлат тепасига келиши жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, Россияда Иван Грознийнинг ўғли Фёдор, Францияда — Людовиг XVI, Англияда — “қонли Мария” жамиятнинг инқирозга олиб келган. Бу каби мисолларни бошқа давлатлар тарихида ҳам кузатиш мумкин.

Давлат раҳбарлигида даъвогар шахс халқро миқёсда тафаккур юритадиган, бой сиёсий тажрибага эга, амалий ишлари билан халқ ишончини қозongan бўлиши лозим. Утмишда ҳам, бугун ҳам сиёсатдаги популист, демагогларга шухрат-парастлик касали хос бўлган. Минг афсуски, айрим бошбошдоқлик, бошқариладиган хаос ҳукм сураётган мамлакатларда популистлар ўзларининг ғаразли мақсадларини илгари сурмоқда. “Оксидент баланд дорга осил”, “етиб қолгунча отиб қол” каби ўзбек мақолларини популистларга нисбатан ишлатиш мумкин.

“**ДЕМОКРАТИЯ**” СЎЗИНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОСИ — “ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ”ДИР. УНИНГ МАЗМУНИНИ ХАЛҚ ТОМОНИДАН ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН, БОШҚАРИЛАДИГАН ВА НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН СИЁСЙ ТИЗИМ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ДЕМОКРАТИК ТИЗИМДА ХАЛҚ ҚОНУНЛАР ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ БОШҚАРИШДА БЕВОСИТА ЁКИ БИЛВОСИТА ИШТИРОК ЭТАДИ. БИРОҚ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ВАКОЛАТЛИ, ЯЪНИ ХАЛҚ САЙЛАБ ҚЎЙГАН СУБЪЕКТЛАР — ПРЕЗИДЕНТ, ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР АМАЛГА ОШИРАДИ.

Таъкидлаш жоизки, жамият, расмий сиёсат “эксперимент” ўтказиладиган соҳа эмас. Халқро ҳуқуқда жамият устида ўтказилган ҳар қандай эксперимент жиноят сифатида талқин этилади.

Популист жавобгарлик ва масъулиятдан қочади. Унинг наздида, ҳамма нарсани гапириш ва қилиш мумкин, аммо улар ҳеч нарсанинг оқибати учун жавоб бермаслиги керак. Ваҳоланки, сиёсат масъулият демакдир. Масъулиятсиз одамдан эса ҳеч қачон яхшилик чиқмайди.

Популист, биринчидан, ижтимоий фикрни давлат ҳокимиятига қарши шакллантириши билан хавфлидир. Иккинчидан, “ташқи кучлар” популистлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Энг хатарлиси ҳам, популистларнинг ўзлари англаб ёки англамаган ҳолда ташқи кучлар кўғирчоғига айланиб қолишидир. Чунки, сиёсат оламида популистлар ҳамisha “ташқи кучлар” манфаатларининг тарғиботчиси бўлади.

Глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган ҳозирги даврда одамларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллашуви кузатишмоқда. Фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётига доир масалалар ечими юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиши оддий ҳолга айланди. Албатта, бундай ижобий тамойилни қўлаб-қувватлаш зарур. Бироқ, афсуски, “гуруч курмаксиз бўлмайди”, деганларидек, инновацион ахборот технологияларидан, хусусан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда одоб-ахлоқ қоидаларига зид ибораларни қўллаётган, сўз масъулиятини ҳис қилмайдиган, “ҳамма нарсани давлат муҳайё қилиб бериши шарт”, деган боқиманда дунёқараш асосида фикрлаётганлар ҳам оз эмас.

Уйлантирадиган жиҳати, улар Ўзбекистон эришаётган ютуқларни бир ёқлама баҳолаб, тарихий тараққиёт йўлимииздаги кенг қўламли ислохотларни ўзларининг тор манфаати ва дунёқараши билан ўлчамоқда. Жамиятдаги баъзи камчиликларни “пашшадан фил ясаш” қабиллида ижтимоий тармоқлар орқали кўз-кўз қилиб, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрўйига путур етказишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзини “мухолифатчи” деб ҳисоблайдиган кучлар айнан ана шу қатлам орқали халқ норозилигини келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар содир этмоқда. Бундай вазиятда фуқароларнинг “сиёсий тарбияси” масаласи долзарб аҳамият касб этади. Инглиз файласуфи, демократик тафаккур соҳиби Жон Локк: “**Тарбия инсон тафаккурини шунчалик**

бойитиши керакки, одамлар сиёсий ҳаёт ва амалий фаолиятга қодир бўлсинлар”, дея бежиз таъкидламаган.

Дарҳақиқат, сиёсий тарбия орқали фуқароларга ўзини ўзи бошқариш, баҳолаш, назорат қилиш, масъулиятли бўлиш, қонун, ахлоқ доирасида ҳамда учинчи шахс ҳуқуқларига зиён етказмасдан яшаш қоидалари ўргатилади. Сиёсат — жамиятни бўлишга эмас, балки бирлаштиришга хизмат қиладиган қадрият.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим мамлакатларда амалга оширилган “рангли инқилоб”лар фуқароларнинг сиёсий тарбиясига етарли эътибор берилмаганлиги натижасидир. Сиёсий тарбия орқали фуқаролар сиёсат текис, зиддият ва камчиликларсиз кечадиган ҳодиса эмаслигини, балки мавжуд қийинчилик ва муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш санъати эканини англайди.

Бугун тараққиёт йўлида дадил одимлаётган янги Ўзбекистон учун унинг ривожига тўсиқ бўладиган, ўзи ишламай, ишлаётганларга ҳалал берадиган, “қанча ёмон бўлса, шунча яхши”, қабиллида фикр юритадиган, кузатувчи ва томошабин позициясида турадиган одамлар эмас, аксинча, юртга дахлдорлик билан яшайдиган, мамлакатни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, халқ ва давлат учун ҳалол, виждонан ва сидқидилдан хизмат қиладиган, бир сўз билан айтганда, ватанпарвар, фидойий, ташаббускор шахслар керак.

Шундай экан, ижтимоий тармоқларда вақтни бемақсад ишлар, фиску фасод гаплар билан зое кетказмай, Ўзбекистонни янада тараққий топтириш, унинг ёруғ истиқболи учун бир тану бир жон бўлиб бирлашиш, фақат ва фақат бунёдкорликка интилиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқароннинг зғру амалига айланмоғи зарур. Чунки юксак тараққий тонаётган замон биздан янгича фикрлаш, ишлаш, муаммоларни ҳамжиҳатликда ечиш, интеллектуал ривожланишни талаб қилмоқда.

РАҚАМЛАШТИРИШ

ҲИСБОТЛАР УЗОҒИ БИЛАН 10 ДАҚИҚАДА ТАЙЁР БЎЛАДИ

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Банкларда ҳисоботлар даври деб аталувчи жараён ҳақида кўп эшитамиз. Ой охири ёки чорак, йил якунларида аксар ходимларнинг асосий вазифасига айланадиган маълумотларни тўплаш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш ишлари баъзан бир неча кун, ҳафталарга чўзилади...

Шу каби ортиқча оворагарчиликларга чек қўйиш мақсадига Халқ банки юртимизда биринчилардан бўлиб хатарлар, банк актив ва пасивларини бошқариш тизимини автоматлаштиришга эришди. Халқро стандартлар асосида ишлаб чиқилган “Fusion Risk” дастурий таъминоти молия муассасасида бозор таваккалчилиги, кредит, ликвидлик, фоиз ставкалари ўзгариши, бошқарилувчи метрик ҳолатлардаги молиявий хатарларни идентификация қилиш, стресс-тест ўтказиш каби мураккаб жараёнларни автоматик бошқариш имконини беради.

— Банк тизимида 2018 йил декабрь ойдан трансформация жараёнлари бошланган бўлса, ўтган қисқа вақт ичида катта ўзгаришларга эришилди, — дейди Халқ банки бошқаруви раиси

Фарҳод Саломов. — Хусусан, ходимларнинг кунлик иш самарадорлигини оширадиган бир қанча янги, замонавий тизимлар яратилди. Молиявий хатарларни бошқаришни мукаммаллаштириш вазифаси ана шу жараёнларнинг таркибий қисмларидан бири эди. Шу боис, 2020 йилда хорижий ҳамкоримиз — “FinExtra” компанияси билан ҳамкорликда замонавий, мутлақо янгича тизимни яратиш устида ишлаб бошладик. Мақсад банкнинг ички жараёнлари самарадорлигини янада оширишдан иборат. Сабаби, банк ва молия соҳасидаги ўзгаришлар доимий янгиланиш, трансформацияни талаб этади. Биз турдош молия муассасалари орасида биринчи бўлиб жорий этаётган “Fusion Risk” тизими хатарларни бошқаришининг янгича усули бўлгани ҳолда, ҳисоботларни тайёрлаш учун сарфланадиган вақт ва меҳнат харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

Авваллари ҳисоботларни тўплаш учун кўп вақт сарфланиб, уларнинг таҳлили устида кам ишланган бўлса, янги тизим бунинг аксини таъминлайди. Мутахассисларнинг айтишича, одатда бир неча ходим иштирокида қўлда шакллантириладиган ҳисобот таҳлилларини тайёрлаш учун янги дастурий таъминотга 5-10 дақиқа кифоя қилади. Асосийси, жараёнлар автоматик равишда, инсон омилисиз амалга оширилади. Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқро стандартларига ўттиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди ҳам бу жиҳатлар алоҳида назарда тутилгани бежиз эмас. Унга кўра,

2021 йил якунига қадар ҳар бир ташкилот ўз ҳисоботларини халқро стандартлар асосида тайёрлаши лозим бўлади.

“Fusion Risk” дастурий таъминоти банк миқёсидаги хатарларни комплекс бошқариш вазифасини бажарувчи энг замонавий тизимлардан саналади. Лойиҳа яратувчиси Буюк Британиянинг йирик — катталиги бўйича дунёда 3-ўринда турувчи “Finastra” компаниясининг экспюлив ҳамкори бўлган “FinExtra” ҳисобланади. Хорижлик эксперт, “Finastra”нинг Яқин Шарқ ва МДҲ давлатларидаги раҳбари Ҳамид Нироузаднинг таъкидлашича, “Fusion Risk” тизими “Societe Generale”, “European Bank”, “Erste Bank” ҳамда “Альфа” сингари жаҳоннинг номдор банкларида жорий этилган бўлиб, айни пайтда дастурий таъминотдан дунё бўйлаб 250 дан ортиқ мижоз фойдаланади. Эндилиқда улар қаторига Халқ банки ҳам қўшилди.

— Автоматик тизим Ўзбекистон Марказий банки талабларига тўлиқ мослаштирилган, — дейди Халқ банкининг Муаммоли активлар билан ишлаш департаменти директори Бахтиёр Алимов. — Дастурий таъминотга маълумотлар юклаганч, зарур вазифалар орқали ҳисобот шаклланишни бошлайди. Тизимнинг қўлайлиги шундаки, у дастурчининг иштирокисиз ҳам турли функцияларни мустақил қўшиб бориши мумкин. Мазкур тизим активларнинг пасивларга бўлган мутаносиблигини қўриш сингари амалларни бажариш, ликвидликни бошқариш ва уларга сарф қилинаётган ортиқча харажатларни қисқартириш имконини ҳам беради. Ак-



тив ва пасивларни бошқариш звезига банкда аввалгидек ойда ёки йилда бир маротаба эмас, балки кунлик таҳлилларни амалга оширамиз. Барча маълумотлар ҳар кун тонгда автоматик тарзда янгиланиб боради. Бу эса кунлик активларнинг ўзгаришини кузатиш ва шу асосда муҳим йўналишларимизни ишлаб чиқиш, қайсидир хизматларимизни мижозлар талабига янада мослаштиришга ундайди.

Ҳисоботларни нафақат баланс бўйича, балки ҳар бир йўналиш кесимида алоҳида олиш мумкин. Қисқа вақт ичида олинган шаффоф маълумотлар жаҳон банклари томонидан ҳам осон қабул қилинади. Автоматлаштирилган тизим таҳлиллари халқро майдонда банкнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва унга ресурс ажратишда ишончли асос бўла олади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ:



ФУҚАРОЛАР ЭМАС,

ХУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНМОҚДА



Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги
директори

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган бир қатор маълумотномалар бекор қилинди, маъмурий тартиб-таомиллардан ўтиш муддатлари сезиларли равишда қисқарди.

Давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансоларлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, маънан эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш мақсадида Президентимиз жорий йил 23 март кuni “Аҳоли ва тadbиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Хужжат билан давлат ҳокимияти органлари аҳолидан 18 турдаги маълумотнома ва хужжатларни талаб қилмайдиган бўлди. Эндиликда ФХДЭ соҳасида тегишли далолатномаларни қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилмоқда.

2020 йил давомида фуқаролар юқоридаги 18 турдаги маълумотнома-хужжатларни олиш учун турли идораларга жами 1,5 миллиондан ортиқ мурожаат қилган. Мазкур хужжатларни олиш учун белгиланган тўловларнинг миқдори ҳисобланганда қарийб 20 миллиард сўмини ташкил этган. Тасаввур қилиясизми, янги тизим билан ҳар йили аҳолининг шунча маблағи ўзида қоладиган бўлди.

Давлат хизматлари кўрсатишда илк бор экстерриториал тамойили ҳамда тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда банк ҳисобрақамларини очиш механизми йўлга қўйилиб, муҳр ва штамплардан фойдаланиш мажбурияти бекор қилинди.

Натижада Жаҳон банки эълон қилган “Бизнесни юритиш — 2020” рейтингининг ДХА масъул бўлган “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” индикаторида Ўзбекистон 190 давлат орасида 8-урини эгаллади. Ўзбекистон ўз тарихида илк бор топ-10 таликка кирди.

2021 йилда ДХА Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими бўйича “ISO

оширишнинг бош мезони эса — давлат идораларининг архив хужжатларини рақамли кўринишга ўтказиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида зарур бўлган маълумотларнинг электрон тизимларини ташкил этишдан иборат.

ДХА рақамлаштириш ишларини ФХДЭ органларидан бошлади. Бунинг учун махсус рақамлаштириш ускуналари ишга солинди. Натижада, бугунги кунда никоҳ тузиш, никоҳни бекор қилиш, туғилиш ва ўлим тўғрисидаги ФХДЭ архивларида сақланаётган қоғоз шаклидаги 60 миллион архив маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Шу билан бирга, араб ва эски лотин алифбосида қайд қилинган ҳамда яроқсиз ҳолатга келган далолатнома ёзувлари “ФХДЭнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига киритилиши якунига етказилмоқда.

Бундан ташқари, 16 ёшга тўлмаган ва биометрик паспорт бўлмаган 20 миллиондан ортиқ шахсга “ФХДЭнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамлари бириктирилиши натижасида ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш функцияси жорий этилди.

Фарзанд туғилганини расмийлаштириш учун ФХДЭ органларида композит (бирлаштирилган) хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани ҳам навбатдаги қулайликдир. Яъни туғилиш

шетлар интернетга уланган бўлиб, бевосита онлайн тарзда эшитиши ва гапиришда нуқсонли бор шахслар билан тўлақонли мулоқотни таъминлайди.

Республика бўйича барча ДХМларни реал вақт режимида (онлайн) қузатиш имконини берувчи “Ситуацион марказ” ишга туширилди.

Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш” қўшма лойиҳаси грант маблағлари ҳисобидан “Лицензия” ахборот тизими ишга туширилди. Тизим ёрдамида бизнесни юритиш учун зарур бўлган лицензия ва рухсат берувчи хужжатларни олиш тартиби соддалаштирилди.

Қарши ва Бухоро тажрибаси

Қарши шаҳар ва Бухоро тажрибаси асосида, “марказ — маҳалла — фуқаро” тамойили бўйича давлат хизматларининг ҳар бир оилга кириб бориши таъминланмоқда. Бу жараёнда аҳолига хизматларни масофадан кўрсатиш мақсадида “маҳаллабай” ва “хонадонбай” таригибот ишлари ташкил қилиниб, электрон давлат хизматида фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича Президентимиз белгилаб берган йўналиш ва кўрсатмаларнинг биринчиси, бу — кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминлаш. Яъни биз тизимда сифатни таъминлаш орқали ҳар бир фуқарога коррупциясиз, тез ва шаффоф хизмат кўрсатиш, уларнинг муаммоларини қисқа вақт ҳамда қулай усулда ҳал этишга эришишимиз керак. Бу нафақат шаҳарлар, балки туман, қишлоқларда амалга оширилади. Шаҳардаги стандартлар республиканинг ҳамма нукталарида бирдек ишлатиш лозим.

Иккинчи йўналиш, бу — тизимни рақамлаштириш. Айниқса, бугунги ривожланган даврда мазкур соҳа келажагини рақамли иқтисодиётсиз тасаввур этиш қийин. Бунда аввало, шу вақтгача қоғозда мавжуд бўлган хужжатларни электрон тизимга ўтказиш орқали кейинги босқичга йўл оламиз.

Ҳозирги пайтда мобиль иловалар ривожланяпти. Бундай қулайликларни давлат хизматлари кўрсатиш тизимига ҳам жорий этиш замон талаби. Одамлар давлат билан бўладиган ҳар бир масала, муносабатини уйда ўтирган ҳолда, замонавий технологиялар орқали ҳал эта олиши керак. Биз аста-секин бунга эришяпмиз.

Одий мисол, ФХДЭ тизимидаги 60 миллион архив хужжатларини рақамлаштириш якунланди. 2021 йил 1 январдан барча давлат органлари мана шу тизимдан фойдаланишни бошлади. Бунинг натижасида 660 мингта одамнинг мурожаати ташкилотга келмасдан туриб, тезкор ҳал бўлди. Кўпалаб давлат органлари бир-бири билан ана шундай интеграция асосида хизматларни кўрсатишни бошлади. Бу эса аҳолининг камида 8 миллиард сўми иқтисод қилинишига замин яратди.

Эътибор қаратишимиз зарур бўлган яна бир йўналиш, бу — эҳтиёжни тўғри прогноزلаштира олиш имкониятидир. Бу ҳозирдан фуқаролар орасида эртага қандай эҳтиёжлар шаклланади, уларни қийнаётган асосий муаммолар нималардан иборат эканини таҳлиллар асосида ўрганишимиз зарурлигини аналтади.

Бугун аҳоли орасида “сервис давлат” деган янги тушунчалар юзга келяпти. Яъни фуқароларга хизмат кўрсатиш функцияси биринчи ўринга чиқаяпти. Сўнгги йилларда аввал мавжуд бўлмаган “қайта алоқа” тизимини жорий қилдик. Бу нима дегани? Бир неча йил олдин давлат хизматлари марказларига мурожаат қилган фуқаро бир қанча вақтдан кейин ёзма ёки оғзаки равишда жавоб оларди. Ҳозир эса мурожаатчига ижтимоий тармоқдаги “телеграм бот” орқали қисқа вақтда автоматик тарзда қайта алоқага чиқилади. Фуқаро талабига кўра, хизматлар жойлардаги операторларимиз томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин. Қайта алоқага чиқилган, тегишли мутахассислар билан биргаликда мурожаатчи муаммосига ечим топилади.

Галдаги вазифа гоълар акселератори тизими жорий қилиш, давлат хизматлари реестридан жой олган 700 дан ортиқ хизмат турларини кўриб чиқиб, қайсыларини аҳолига тезкор етказиш керак, деган саволларга ечим топиш ҳамда бу ишларни илмий таҳлиллар асосида амалга оширишдан иборат.

Бошланиши 1-бетда

Илгари тасаввур ҳам қилолмаган давлат хизматлари бугун ҳар бир инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Мисол учун, ота-оналар фарзанди туғилгани ҳақида гувоҳнома, турли маълумотномалар олиш, ўғил-қизларини боғчага, мактабга жойлаштириш, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қатор хужжатлар олиш каби заруратларга дуч келади. Президентимизнинг тарихий аҳамиятга эга 10 та энг муҳим ташаббусидан бири ҳам айнан ана шу жараёнларни бир ҳайда — Давлат хизматлари марказида амалга ошириш имконини берди.

Бу жараён давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 12 декабрда давлат хизматлари миллий тизимини ислоҳ қилишдан бошланди. Янги давлат тузилмасига бюрократиянинг олдини олиш, фуқароларнинг давлат органларига ишончи ва умидини оширишдек муҳим вазифалар юклатилди.

Куни кеча эса Президентимиз рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирларига оид тақдирот билан танишиб, янги тизимни янада такомиллаштириш юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берди. Унда асосий эътибор аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида электрон хизматларни кўпайтириш чора-тадбирларига қаратилди.

Утган қисқа вақтда Давлат хизматлари марказлари тез, қулай ва сифат тамойилларига асосланган ягона манзилга айланди. Айни пайтда ҳудудларда 207 та Давлат хизматлари марказлари фаолият юритмоқда. Аҳоли фикрини ўрганиш амалиёти орқали кўрсатилаётган хизматлар сони йилдан-йилга ортмоқда.

Бу ҳақда сал кейинроқ батафсил тўхталамиз. Дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кечаги тақдирот чоғида белгилаб берган вазифалари, олдимизга қўйган топшириқлари мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритсак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланган эди. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2020-2022 йилларда ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари амалга оширилмоқда. Жумладан, тармоқлар бўйича 443 та лойиҳа ишлаб чиқирилиб, бугунги кунгача 194 таси татбиқ этилди. Бугун ҳудудларда дастурдаги 1 минг 643 та лойиҳадан 1 минг 172 таси жорий қилинди.

Юртимизда айни пайтда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 253 хил хизматлар кўрсатилаётган бўлса, жорий йилда уларни яна 60 тага кўпайтириш, 50 дан ортиқ хизматларни соддалаштириш кўзда тутилган.

Аҳамиятлиси, кўрсатилаётган хизматлар сансалорлик, бюрократия ва коррупцияни камайтириб, вақт ва маблағларни тежаш, унумдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Идентификация жараёни соддалаштирилади

Маълумки, бугунги кунда банкка, солиқ идорасига ёки бошқа ташкилотга борганда шахснинг идентификация рақами, шахс билан боғлиқ қўллаб маълумотлар талаб қилинади. Демак фуқароларимиз бу рақамни тасдиқловчи хужжатларни доим ёнида олиб юриши, талаб этилганда тақдим этиши керак. Агар тadbиркорнинг бу турдаги ҳужжати ёнида бўлса яхши, лекин хизмат сафари ёки бирон юмуш билан бошқа вилоятда бўлса, овора бўлиши тайин.

Бунинг олдини олиш ҳамда жисмоний шахснинг идентификация рақами барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ягона идентификатор ҳисобланиши, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни идентификация қиладиган алоҳида қарамларни юритиш тақиқланиши Президентимизнинг юқоридаги фармони билан мустаҳкамланди.

Қолаверса, 16 ёшга тўлган шахсларга идентификация — ID-карталари беришда фуқаро ни бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилган.

Ортиқча хужжатлар талаб этилмайди

Бугунга келиб давлат хизматларидан фойдаланишда аҳолидан талаб этилган 200 га яқин хужжат 86 тага, хизмат кўрсатиш муддати эса 499 кундан 271 кунга қисқартирилди.

2020 йилда руҳий ва наркологик касаллик ҳақида 500 мингдан ортиқ маълумотнома бе

Давлат хизматлари ҳар бир хонадонда

ДХА фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида биринчилардан бўлиб сайёр хизматлар кўрсатишни йўлга қўйди.

Дам олиш кунлари ДХМ ходимлари махсус жиҳозланган транспортларда бориш қийин бўлган, энг чекка ва тоғли ҳудудда яшовчи аҳоли олдига бориб зарур хужжатларни тақдим этмоқда. Шу кунгача мамлакат бўйича 700 мингдан ортиқ шундай сайёр хизматлар кўрсатилган.

Туман марказидан узокда (100–300 км) жойлашган ҳудудларда, шунингдек, аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб ДХМ филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда улар 120 дан, кўрсатилган хизматлар сони эса 200 мингдан ошди.

Яна бир муҳим янгилик, аҳоли гавжум бўлган ва жамоат жойларида интерактив инфоқосklar орқали ўзига ўзи хизмат қилиш тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш тартибининг жорий этиш режалаштирилмоқда. Бугунги кунда ДХА масъуллари ушбу йўналишда хориж амалиётини ўрганиб, таҳлил қилмоқда. 2021 йил сентябрь ойидан ушбу амалиёт кенг жорий этилади.

ФХДЭ соҳасида “хужжатлар ҳаракатланмоқда”

ДХМларнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг давлат идоралари вакиллари билан алоқасини имкон даражада камайтирадиган тизимни яратишдир. Буларни амалга

Давлат хизматлари соҳасидаги инновациялар

Давлат хизматларини масофадан олиш янада қулай бўлиши учун ДХА тизимида электрон рақамли имзони онлайн олиш имкони яратилди.

Тadbиркорлик соҳасида ҳам қатор жараёнлар соддалаштирилди. Масалан, эндиликда тadbиркорлар фаолиятини рўйхатдан ўтказиб, ўша заҳоти 30 та тижорат банда ҳисобрақам очиш имконига эга. Юридик шахс бўлган тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда, ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, шунингдек, электрон рақамли имзо олиш ҳам мумкин бўлади.

Давлат хизмати учун тўлов қилишдаги муаммоларни бартараф этиш учун марказларда ray.davxizmat.uz электрон тўлов тизими орқали нақд пул қабул қилиш механизми жорий этилгани ҳам тизимдаги муҳим янгиликлардан биридир. Тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумот мурожаатчининг телефон рақамига эс-хабар тарзида юборилади.

2020 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб айрим туман (шаҳар) ДХМда синов тарикасида “surdo-online” паншетлари ишга туширилди. Бу план-

Давлат хизматлари соҳасидаги инновациялар

Давлат хизматларини масофадан олиш янада қулай бўлиши учун ДХА тизимида электрон рақамли имзони онлайн олиш имкони яратилди.

Тadbиркорлик соҳасида ҳам қатор жараёнлар соддалаштирилди. Масалан, эндиликда тadbиркорлар фаолиятини рўйхатдан ўтказиб, ўша заҳоти 30 та тижорат банда ҳисобрақам очиш имконига эга. Юридик шахс бўлган тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда, ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, шунингдек, электрон рақамли имзо олиш ҳам мумкин бўлади.

Давлат хизмати учун тўлов қилишдаги муаммоларни бартараф этиш учун марказларда ray.davxizmat.uz электрон тўлов тизими орқали нақд пул қабул қилиш механизми жорий этилгани ҳам тизимдаги муҳим янгиликлардан биридир. Тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумот мурожаатчининг телефон рақамига эс-хабар тарзида юборилади.

2020 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб айрим туман (шаҳар) ДХМда синов тарикасида “surdo-online” паншетлари ишга туширилди. Бу план-

Давлат хизматлари соҳасидаги инновациялар

Давлат хизматларини масофадан олиш янада қулай бўлиши учун ДХА тизимида электрон рақамли имзони онлайн олиш имкони яратилди.

Тadbиркорлик соҳасида ҳам қатор жараёнлар соддалаштирилди. Масалан, эндиликда тadbиркорлар фаолиятини рўйхатдан ўтказиб, ўша заҳоти 30 та тижорат банда ҳисобрақам очиш имконига эга. Юридик шахс бўлган тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда, ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, шунингдек, электрон рақамли имзо олиш ҳам мумкин бўлади.

Давлат хизмати учун тўлов қилишдаги муаммоларни бартараф этиш учун марказларда ray.davxizmat.uz электрон тўлов тизими орқали нақд пул қабул қилиш механизми жорий этилгани ҳам тизимдаги муҳим янгиликлардан биридир. Тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумот мурожаатчининг телефон рақамига эс-хабар тарзида юборилади.

2020 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб айрим туман (шаҳар) ДХМда синов тарикасида “surdo-online” паншетлари ишга туширилди. Бу план-

Давлат хизматлари соҳасидаги инновациялар

Давлат хизматларини масофадан олиш янада қулай бўлиши учун ДХА тизимида электрон рақамли имзони онлайн олиш имкони яратилди.

Тadbиркорлик соҳасида ҳам қатор жараёнлар соддалаштирилди. Масалан, эндиликда тadbиркорлар фаолиятини рўйхатдан ўтказиб, ўша заҳоти 30 та тижорат банда ҳисобрақам очиш имконига эга. Юридик шахс бўлган тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда, ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, шунингдек, электрон рақамли имзо олиш ҳам мумкин бўлади.

Давлат хизмати учун тўлов қилишдаги муаммоларни бартараф этиш учун марказларда ray.davxizmat.uz электрон тўлов тизими орқали нақд пул қабул қилиш механизми жорий этилгани ҳам тизимдаги муҳим янгиликлардан биридир. Тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумот мурожаатчининг телефон рақамига эс-хабар тарзида юборилади.

2020 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб айрим туман (шаҳар) ДХМда синов тарикасида “surdo-online” паншетлари ишга туширилди. Бу план-

62021 йил 15 июль, 143-сон

янги ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

ТОКИОДАН ТОҒЛАР ҚАДАР МАҒРУР ҚАЙТИШ НАСИБ ЭТСИН!

2019 йил

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган давлат тадбири пойтахтимиздаги Анжуманлар саройида тантанали нишонланмоқда. Саҳнага ўрнатилган катта монитorda “Спорт — 2019” деган ёзув, Олимпия уйинлари белгиси жилоланади. Андижон вилоятининг чекка бир қишлоғида улғайган “Йилнинг энг яхши паралимпиячиси” Темур Ғиёсов Ўзбекистон Президенти билан рубару бўлиш олдидан ҳаяжонини босганча парда ортида турибди. Шу саҳна, шу онларга етиб келгунча босиб ўтилган узок ва машаққатли йўл унинг ҳаёлидан кино тасмасидай бир-бир ўтаётганди...

Бой берилмаган болалик

Турсуной опа еттинчи фарзанди — кенжатой Темурбекнинг ҳам опалари, акаси каби ҳаяжон билан биринчи кўнгирак тадбирига бориши, ўзи ҳам қувонч билан эрикатойининг қўлига биринчи ўқитувчиси учун гуллар тутқазиб қўйишни орзу қилган эди. Бироқ ўшанда ўғлининг айна мактаб ёшига етгандя юрولмай қолиши, якка тартибда таълим олишини у қардан ҳам билсин...

6 ёшида оёғини зинага қаттиқ уриб олган ўйинқарок болақайнинг чап болдири яхшигина лат егани боис, жароҳат авж олиб, болдир суяги чирий бошлаган экан. Тумандаги бир шифокорнинг “ўғлингизни даволай оламан”, деган сўзларига ишонган онаизор унга топан-тутганини берса-да, натижа яхши бўлмади. Операциядан сўнг кенжасининг чап оёғи энг оёғидан 10 сантиметр қалта бўлиб қолди. Аспиди аргимасдек туюлган бу фарқ Темурбекни соғлиғида нуқсони бор болалар қаторига қўшиб қўйди. Чунки у юра олмай қолганди. Лекин болаликдан спортга бўлган қизиқиш, кун бўйи топқонинг ортидан чопиб юришининг алами эндиликда уни ўтирган жойида бўлса-да, спорт билан машғул бўлишга ундар эди. Ахир кеча маҳалла айланиб чопиб юрган бола бугун бир жойдан қимирлай олмай қолишини тасаввур қилин... Бу ёш боладан жуда катта сабр-тоқат талаб қиладиган ҳолат эди. Шунинг учун ўт-олов бўлган бу бола лоақал кўчага стул қўйди-риб, ўтган-кетган билан шахмат ўйнарди.

Онамдан ажрагач, спортга суяндим...

2007 йил. 15 апрель. Турсуной опа яхши бир ниёят билан жиянига ёрдам бериш мақсадида қишлоқ врачлик пунктига йўл олади. Ўғли Темурбекка ўқитувчисини яхши қўтиб олиб, яхши ўқишини таъинлайди.

Поликлиника яқин бўлгани учун йўлнинг четида пиеда кетётган онасини укувсиз хайдовчи бошқарган машина ногаҳон уриб кетиб, меҳрибони ўша ернинг ўзида жон таслим қилиши бўлажак спортчининг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, албатта. Мудҳиш хабарни эшитгач, дод-фарёд солди. Дард устига чиққон бўлган бу қўргилик уни-да олиб ке-

тиши мумкин эди. Аммо исми жисмига монанд болақай иродасининг ҳам темирдан эканини амалда кўрсатди. 11 ёшида у онаси ҳеч қачон қайтиб келмаслиги, афсус, надоматлар, йилги-сигидан заррача наф йўқлигини чуқур ҳис қилиб, бор кучини ўзини тиклаб олишга сарфлади. Ҳар кун и мен соғломман, соғ одамлардан камим йўқ, дея ўзига ўзи тасалли берди. Бир йил ўтиб, юра бошлади. Ниҳоят, 7-синфдан мактабга чиқди. Синфдошлари билан бирга билим олиш бахтига муюссар бўлган Темур улардан қолишмасликка интилар, жисмоний тарбия дарсларида бироз қийналарди, холос.

— Ўша пайтда ҳозирги ақлим бўлса эди, — дейди унинг ўзи. — Сен четга чиқиб тур, биз билан баробар бўлолмайсан, уринмай қўяқол, барибир биздек югуролмайсан, деган гаплар юқини заррача юракка олмаган, камситишлар, ажратишлардан ўқинмаган бўлар эдим. Ҳатто дадам операцияларимга пул сўраб борган қариндошлардан айриллари ҳам “оёғини кестириб ташла, осон кутулсан, нима қилсан деб вولاتиб”, дейишган экан. Бугун анча улғайиб англаб етдимки, кимнингдир бўйини, кимнингдир ақлини, ана кимнингдир қўлини қалта қилиб яратиш Парвардигорга хос экан, бундай инсонларни ҳақорат қилишга, камситишга, ажратиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Нима бўлганда ҳам Темур руҳан қўкиб қолмади. Очикдан-очик “бу бола давлат берадиган пенсия билан яшайди энди, бир умр бир жойда ўтиради”, деган гапларни эшитганида ҳам қалбидя дақат эзгулик, буюк ишларга қодирлик ҳисси улғаяверди.

2012 йилда Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-хўнар коллежида ишлайдиган маҳалладоши Азизбек Мўминов уни шу даргоҳга етаклаб борди. Ота-оналар мажлисларида ўзи ота, ўзи она урнини босиб, уч йил давомида Темурбекнинг кўнглини ўқситмади.

2014 йилда паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга эътибор қучайгач, селекция ишлари бошланиб, коллежга ҳам мураббийлар келишади. Ўшанда 200-300 нафар ёш орасидан Темурбек ҳам терма жамоа сафига киришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг спортга қизиқиши янада ортиб, мусобақалар сари дадил отланишга, ҳаммасини унуттишга, бу ёғига фақат ва фақат спорт билан олға одимлашга қарор қилди.

Илк бор паралимпия спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатида 34 метрга найза улоқтириб, 2-урини қўлга киритган Темурбекка меҳрибон устози Яхёбёк Ёқубов ҳам суяна, ҳам таянч бўлган. Шогирдига ҳаяжонни қандай енгитиш, албатта, ўзига яхшионлиш кераклигини қайта-қайта ўқитганида. Мураббийнинг ҳар бир маслаҳатига амал қилиб, 2015 йилда найза улоқтириш бўйича Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Гран-при мусобақасида 3-урин, 2016 йили эса Дубай шаҳрида баландликка сакраш бўйича 2-урини қўлга киритди.

бори ва ғамхўрлиги маҳсули, деб биламан. Чунки нафақат мустаҳкам ирода, балки шароит ва имконият инсонни ғалаба томон етаклайди.

Ҳозир бор эътиборимиз тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига жиддий тайёргарлик қўришга қаратилган. Бу борада давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилди. Пандемия шароитига қарамай, ўқув-машғулот йилгилари ташкил этилди. Халқаро мусобақаларда иштирок этдик. Мақсадим — Паралимпиада чемпиони бўлиш, ўзбек қизининг асл имкониятларини бутун дунёга намойён этиш.

Давлатимиз раҳбарининг 30 июнь — Ёшлар кун и муносабати билан спортчиларга билдирган алоҳида ишончи эса, кучимизга куч, қувватимизга қувват қўшади.

Мен мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрамини яхши кайфиятда, ўз олдимга катта мақсадлар қўйган ҳолда қарши олаётганимдан фахрланаман.

2018 йилда Жакартадаги Параолимпия ўйинларида 1 метр 95 см. натижа билан олтин медални қўлга киритган бўлса, 2019 йилда БААнинг Дубай шаҳрида 2 метр баландликдан сакраб ўтиб, жаҳон чемпионатининг қумуш медали ва Токио Паралимпия ўйинлари йўлланмаси соҳибига айланди.

Спортчида албатта ҳаяжон бўлади

Энг кучли, энг тажрибали спортчи ҳам, албатта, мусобақа олдидан ҳаяжонланиши аниқ. Темурнинг наздида ҳаяжонни мусобақага қадар босиб ўтилган йўлни эслаш билан енгитиш мумкин. Чунки нафақат спортчи, бошқалар ҳам финалга ўз-ўзидан етиб келмайди. Тинимсиз машғулот, машаққатли меҳнат, мураббийларнинг ҳар машғулот чоғида берган маслаҳатлари ғалабага пойдевор бўлади. Умуман олганда, миллионлаб мухлис қаршисига келгунга қадар бўлган ҳар бир кунни кўз олдидан ўтказган ва “шунчасини урдаладим, бугун ҳам урдалай оламан”, дея ўзига ўзи куч ва ишонч беролган спортчигина ҳаяжонни енгитиш мумкин. Темурда бу жараён шундай кечади. Машғулотларда бутун юк ўнг оёғига тушиши, ўша юк кечаси билан кучли оғриққа айланиши, уйқусизлик азобларини эслашнинг ўзи ҳам ички бир шижоат беради унга.

Кутилмаган ва унутилмас воқеа

2019 йилда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси мамлакатда “Йилнинг энг яхши федерацияси”, деб топилди.

— Бу менга бир гурур берган бўлса, “Йилнинг энг яхши паралимпиячиси” дея эътироф этилганим, қолаверса, “Токио — 2020” Паралимпия ўйинларида йўлланма олганим ўзимга бўлган ишончимни янада орттирди, — дейди қаҳрамонимиз. — Энг қувончлиси (унинг кўзида ёш айлана бошлади), менга давлат тадбирида Президент билан қўришиш бахти насиб этди. Биринчи бўлиб ҳаёлимга келгани онам мени елкасида опичлаб юрган (қўлтиқтаёққа пули йўқлигидан) кунлар бўлди. Кечадикде эслайман у кунларни. Операцияга кириб кетганимда, ҳолсизликдан жонлангирчи хонаси эшигига суянганича мураб қолганлари ҳам кўз олдимида. Қани энди ҳозир осмон қадар юксалаётганимни волидай муҳтарамам кўрса-ю, ўша жонсарақ қадди, забардаст елкалари мен билан бирга юксалиб, қадок қўллари дуога очилса... Чека қишлоқда туртиниб-суртиниб улғайган ўғлининг давлат раҳбари билан учраишиш даражасига лойиқ топилиганидан боши қўнқа етсаиди. Андижоннинг марказидан 3 хонали уйни спортдан топан ҳалол пулларига олганини билсайди. Ёхуд дадам яна икки йилгига ҳаёт завқини сурганида ҳам қувончимга шерикликка улгурармиди? Онамнинг ўрнига лоақал отам кўрса буларди-ку, бахтли кунларимми? Наилож, уларнинг руҳини бўлса-да, шод қилаётгандирман, дейман ўзимга ўзим. Онам қийналган пайтларда унга мадор бўлолмамди, бола эдим, мактабда ўқиса-да, бутун юқини онасига

ортиб олган бола. Отам эса, барча оталар каби биз, етти фарзандни боқиш учун тиним билмай ишлар эди. Шундай бўлса-да, қорнимиз тўйиб-тўймаган кунлар бўлган, кетма-кет қийинчиликларга дуч келардик. Атиги 7-8 минг сўм йўқлигидан ололмаганим — синф винеткеси ҳам сўлгин хотиралар орасидан бир боқиб ўтди. Шунинг учун ҳам маррани янада баланд олишга интилишдан толмайман. Қолаверса, спортчиларга адолатли ёндашадиган, паралимпиячиларни четга чиқариб қўймайдиган Президентимизнинг ғамхўрлигига жавобан Ўзбекистон ғалабаларига ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман. Ўша кун катта саҳнада давлатимиз раҳбарига айтган гапим бир умр тилимда айланади, қалбимга муҳрланганича қолади: “Бизга бундай шароитларни, имкониятларни яратиб бераётган муҳтарам қорбошимизга Ўзбекистонда яшаб истикомат қиладиган барча имконияти чекланган шахслар номидан миннатдорлик билдирарман”.

Галина Казакова: севимли шогирдинг ҳамкасбингга айланса!

Темур Ғиёсов билан ҳақли равишда фахрланаман. Чунки у секин-аста маррани юқорига қараб забот этиб боряпти. Унинг иродаси кучли экани менга ҳаммаша умид бериб келган. Тўри, мураббийнинг роли ҳам катта, аммо спортда фақат ва фақат кучли ирода билангина ғалабага эришиш мумкин. Шогирдингизнинг ҳар бир ютуғида сизнинг меҳнатингиз намойён бўлар экан, бор тажрибангиз, бор маҳоратингиз унга синдиришга ҳаракат қиласиз. Шунча йил бориингизни берганингиздан кейин эса, у сизга фарзанддек азиз ва яқин бўлиб қолади. Темур ана шундай шогирдларимдан. Бундай шогирдларнинг ҳамкасбингга айланиб, ўзинг билан бирга ишласа, қанчалар қувонсан. Шу маънода, Темур билан ҳам бир жамоада ишлашни орзу қиламан.

Ўзим каби издошларимга ёрдам бераман

Паралимпия чемпиони билан суҳбатимиз давомида у бир жиҳатни алоҳида таъкидлади. У ҳам бўлса — зағулки. Зеро, 2016 йил Дубайда бўлиб ўтган ва Рио Олимпиадасига йўлланма берадиган халқаро Гран-прида 1 метр 74 см. баландликни забт этиб, қумуш медал билан Ўзбекистонга қайтади. Бу натижа унинг Рио Олимпиадасига қатнашиши учун камлик қилган. Ўз устидя жиддий ишласа, астойдил шуғулланса, натижаси юқорилишига ишонган чемпион 20 та медал ва дипломини олиб, туман ҳокимлигидан пойтахтдаги мусобақага бориб келиш учун 200 минг сўм сўрайди. Шу мусобақа унинг ўқув-йўлнинг машғулотларига қақрилиши, кейинги катта мусобақаларга йўл очилиши у яхши биларди. Дада-сининг қариб қолгани, ишсизлиги, оливайи шароит оғирлигини айтса-да, мутасаддилардан “сенга ўхшаганлар қўп келади, кейинроқ қай қилиб берамиз”, деган жавобни эшитган спортчи бир ҳафта қутайди, икки ҳафта қутайди, бир ой ўтса ҳамки ёрдамдан дарақ бўлмайди. Кейинчалик республикадан у ҳақида ижобий фикрларни эшитган ҳокимлик мутасаддиларининг ўзлари спортчининг уйига у сўрагандан ҳам кўпроқ миқдорда ёрдам пули олиб боришади, аммо кеч бўлган эди.

Шунингдек, 2018 йили Жакартада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Темурбек ва бир хил натижа кўрсатган яна бир тумандоши олтин медал билан қайтган. Ўшанда икки спортчида бўлган икки хил муносабат қаҳрамонимизнинг кўнглини бироз қўқтирди. Узингиз уйланг, бирининг уйига ҳокимнинг ўзи совға-саломлар билан таширф буюриб қутласа-да, яна бирини ҳатто маҳалла райси ҳам йўқламаса... Бу ҳолатдан етим қўнгли қаттиқ ўксиган эканими, Темурбекни яратганининг ўзи Президент билан учраштириб қўйди. Шу ўринда унинг қуйидаги гапларини айнан келтиришни ҳоиз топдик.

“Ўзига тўқ, қўллашга қодир бўла туриб, ёнгина-сида қўмакка муҳтож бўлиб турган инсонга ёрдам бермаганларни тушуна олмайман. Нафақат спортда, балки кўча-қўйда ҳам эҳтиёжманд, қийналиб қолган одамларга далда бўлиш инсонийликнинг энг яхши қўринишларидан, деб биламан. Аввало, саломатлик жойида бўлишининг ўзи туганмас бойлик. Қалбимга болаликдан жў бўлган бир гапни айтмоқчиман, саломатлик — инсоннинг бошидаги тож. Бироқ ўша тожни соғлиғида нуқсон и бор, ногиронларгина кўра олади. Ҳаётда ҳеч нарсам қолмади, бойлик орттиролмамди, дея нолиб юрган одамлар ҳаммадан бой эканини билсалар эди... Афсус, улар ана шундай нолишлар билан ўзларини ногиронлардан-да қуйроққа тушириб қўяпти. Бугун қўл-оёғи йўқлар ҳам юрагидаги озгина умид учқун и билан жамиятда муносиб ўрин топапти. Энг қувонарли-

си, уларни давлатимиз бошига қўтаряпти. Айнан шундай инсонлар мисолида ҳаётнинг қанчалар гўзаллиги-ю, соғлиқнинг нақадар бебаҳолиги намойён бўляпти.

Яхши ниятларим қўп. Айни пайтда ўзим ҳам талабаман. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида 3-босқичда таҳсил оляпман. Насиб қилса, келажақда спортга қизиқиши кучли, иқтидори бор, аммо ота-онасидан ажраган, тўғаракларга қатнашгани шароити йўқ болаларга, аввало, моддий томондан, бунга қўрбим етмаган тақдирда эса бор тажрибам, маҳоратим билан ёрдам бераман.

Ҳоким билан учрашувда

Ўзи туғилган Қўрғонтепа тумани тарихида биринчи бор Паралимпия ўйинларида иштирок этиш арасасида турган Темурбекнинг туман ҳокими билан учрашувда айтишни дилига тўққан тақлифлари билан биз ҳам қизикдик. Бошқалар уйлаганидек, у ҳокимдан ўз манфаати учун эмас, қордошлари соғлиғини кўзда тутиб, туманда енгил атлетикани, умуман, спортни ривожлантиришни тақлиф қилмоқчи. Шундоқ ҳам худудларда раҳбарларнинг спортга эътибори яхши. Лекин барча давлат ташкилотлари, маҳаллаларда спорт тадбирларини янада кўпроқ ташкил этиш, одамларни ёш тоифаларига бўлган ҳолда, ҳар ойнинг охирига ҳафта-да мунтазам мусобақалар ўтказиб туриш мақсада мувофид.

Буларнинг барчаси ёш спортчи тасаввур қиладиган аҳолининг жисмоний фаоллигини, соғлиғини яхшилашда муҳим омили бўлади. У ҳар бир инсон спорт билан фақат шон-шўҳрат, мол-давлат эмас, ўз соғлиғи учун шуғулланишини истаиди.

— Одамлар бир кунда спорт учун лоақал ярим соат вақт ажратишса ҳам, саломатлигини қадрига етган бўлишар эди, — дейди Темур Ғиёсов.

Токиода ҳам Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишим керак

Ақсарият инсонлар спортда медал ё олиш, муваффақиятларга эришиш осон, деб ўйлайди. Бу соҳанинг фақат спортчиғигагина аён бўлган машаққатлари муҳлисларининг қўллаб-қувватлаши, олқишлаши билан унут бўлади гўё. Ҳеч бир медалга шунчаки эришилмайди.

Айни пайтда Ангрендаги Янгиобод енгил атлетика базасида ўқув-йўлнинг машғулотларида қатнашадиган Темурбек мураббийи Галина Казакова қўл остида навбатдаги йирик мусобақага жон-жаҳди билан тайёрланапти. Ҳар кун и 2 маҳал машғулот.

— Қандай бўлмасин, Токиода ҳам Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишим керак, — деб ойдин тилагини яна бир бор тилга олади у. — Чунки Паралимпияга ҳеч қайси давлатда биздагидек катта эътибор берилмапти. Ассоциациянинг Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига айлантирилиши, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида паралимпия факультети, қўмита ҳузурида паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти ташкил қилинишининг ўзи ҳам алоҳида эътиборнинг амалдаги қўринишидир. Буларнинг бар и Президентимизнинг спортга қаратаётган эътибори, хусусан, имконияти чекланган қордошларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳаётдан рози бўлиб яшаш и учун барча шароитни яратиш йўлидаги сазй-ҳаракатлари самарасидир. Шундай экан, бу биз, паралимпиячилар зиммасига катта масъулият юқлайди. Ана шу масъулият куч бериб, илоҳим, умид билан тайёргарлик қўраётган ҳар бир спортчимизга Токиодан тоғлар қадар мағрур қайтиш насиб этсин!

Темур Ғиёсов ва у билан бир сафда катта мусобақага тайёргарлик қўраётган барча паралимпиячиларга Токиода улкан муваффақиятлар тилар эканми, яқиндагина юртимизга таширф буюрган Осиё Паралимпия қўмитаси президенти Мажид Рашидининг қуйидаги гапларини мақолага хотима қилишни ҳоиз топдик: “Бу менинг Ўзбекистонга илк таширфим эмас. Мен 2013 йилда ҳам бу ерда бўлганман. Янгиёшлар орқали сўнаги пайтларда юртимизда амалага оширилаётган кенг қўламли ишлохотлар ва улкан ўзгаришлар ҳақида мунтазам танишиб бораман. Айниқса, Ўзбекистонда паралимпия ҳаракатига давлат миқёсида эътибор қаратилаётгани самараси ўлароқ, ушбу мамлакат спортчилари йилдан-йилга юқори натижаларга эришиб келмоқда. Умид қиламанки, Ўзбекистонлик паралимпиячилар Токиода бўладиган Паралимпия ўйинларида ҳам юқори натижаларга эришади”.

Муножат МўМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири